



2019 yil “23” февраль

№ 241/5-37

Termiz sh.

**Сурхондарё вилоятида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тизими асосида олиб борилаётган ишлар ахволи тўғрисида**

Ўтган давр мобайнида, вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоятда жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида ички ишлар, давлат ва нодавлат идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларда жиноятлар кескин камайишига эришилган.

Жумладан, умумий жиноятлар 25,2 фоиз (3106-2322), жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар 24,5 фоиз (2143-1617), қасддан одам ўлдириш 24,0 фоиз (25-19), номусга тегиш 25,0 фоиз (20-15), босқинчилик 71,4 фоиз (7-2), талончилик ст (16-16), фирибгарлик 7,3 фоиз (330-306), ўғирлик 37,5 фоиз (792-495), транспорт воситасини олиб қочиш 69,2 фоиз (13-4), безорлик 22,4 фоиз (125-97), одам ўлими билан боғлиқ йўл транспорт ходисаси 11,5 фоиз (148-131), қасддан баданга енгил шикаст етказиш 29,3 фоиз (147-104), қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ст (68-68) га камайган.

Бироқ, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар айрим йўналишларда жиноятларнинг ошишига сабаб бўлган.

Қасддан одам ўлдириш вилоятда 24,0 фоиз (25-19) га камайган бўлса-да, Шерободда 100 фоиз (0-2) га, Деновда 33,3 фоиз (3-4) ва Узун туманида 100 фоиз (0-3) ошган.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш вилоятда 1,4 фоиз (73-72) га камайган бўлса-да, Термиз шаҳрида 12,5 фоиз (8-9) га, Ангорда 400 фоиз (1-5)га, Музработда 200 фоиз (1-3) га, Жарқўрғонда 16,7 фоиз (66-7) га, Сариосиёда 50,0 фоиз (4-6) га, Қизирикда 200 фоиз (1-3) га, Қумқўрғонда 400 фоиз (1-4)га ошган.

Номусга тегиш вилоятда 25,0 фоиз (20-15) га, 5 тага камайган бўлса-да, Термиз тумани ва Бойсунда 100 фоиз (0-1) га, Сариосиёда 150,0 фоиз (2-5) га, Қумқўрғонда 100 фоиз (1-2) га ва Узунда 100 фоиз (1-2) га ошган бўлиб, Шеробод туманида (2-1) содир этилишига йўл қўйилиб, шу кунга қадар қош этилмасдан қолган.

Босқинчилик вилоятда 75,0 фоизга (8-2) 6 тага камайган бўлса-да, Термиз шаҳрида (4-1) содир этилишига йўл қўйилиб, шу кунга қадар фош этилмасдан қолган бўлса, Термиз туманида (0-1) та ошган.

Талончилик вилоятда 52,8 фоиз (36-17) га 19 тага камайган бўлиб, бирорта ҳам шаҳар-туманда ушбу жиноят ошаган.

Фирибгарлик вилоятда 7,3 фоиз (330-306) га 24 тага камайган бўлса-да, Термиз шаҳрида 17,1 фоиз (76-89) га, Деновда 6,3 фоиз (32-34) га, Сариосиёда 5,9 фоиз (17-18) га, Қизирикда 27,3 фоиз (11-14) га, Олтинсойда 9,1 фоиз (11-12) га ошган.

Ўғирлик вилоятда 38,8 фоиз (753-461) га 292 тага камайган бўлиб бирорта шаҳар-туманларда ошмаган.

Безорилик вилоятда 22,4 фоиз (125-97) га 28 тага камайган бўлса-да, Термиз тумани ва Узунда 100 фоиз (0-2) га, Ангор 50,0 фоиз (6-9) га, Шерободда 600 фоиз (1-7) га, Шўрчи туманларида 33,3 фоиз (6-8) га, Сариосиёда 100 фоиз (0-1) га, Қумқўрғонда 33,3 фоиз (3-4) га ва Узунда 100,0 фоиз (0-2) га ошган.

Вилоятда жами 638 нафар маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи шахслардан 485 нафари маъмурий назоратга олинган шахслар бўлса-да, Термиз шаҳрида (47-12) 35 нафар, Термиз туманида (33-13) 20 нафар, Ангорда (42-22) 20 нафар, Музработда (26-13) 13 нафар, Шерободда (33-7) 26 нафар, Қизирикда (7-1) 6 нафар, Бойсунда (12-10) 2 нафар, Жарқўрғонда (46-21) 25 нафар, Қумқўрғонда (37-18) 19 нафар, Шўрчида (36-24) 12 нафар, Олтинсойда (44-14) 30 нафар, Деновда (205-66) 139 нафар, Сариосиёда (32-22) 10 нафар ва Узунда (38-21) 17 нафар шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилмаган.

Жорий йил мобайнида жиноят содир этиб, қидирув эълон қилинган 760 нафар шахсдан 257 нафари ушланган бўлса, 503 нафари ушланмаган.

Шунингдек, жорий йил давомида доимий яшаш манзилларига узок муддатдан 59766 нафар фуқаролар қайтиб келган. Жами қайтиб келганлар орасидан 53378 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, 87 нафари турли юқумли касалликларга чалинган, шулардан 61 нафари ОИТС, 20 нафари СИЛ, 6 нафари бошқа юқумли касалликларга чалинганлиги аниқланган. Лекин, қайтиб келган шахслардан 6388 нафари 10,7 фоиз) тиббий кўрикдан ўтказилмаган. Қайтиб келган шахсларнинг 15086 нафар (27,2 фоиз) иш билан таъминланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Сатволдиевнинг 2018 йил бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилоятида жиноятларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ички ишлар органлари ҳамда масъул идора ва муассасалар томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидлансин.

3. Вилоят ИИБ ЖТСБ бошлиғи А.Холиқов, вилоят ИИБ Мва ФРБ бошлиғи С.Қобилов, Термиз шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи подполковник Ў.Тоғаев, Бойсун тумани ИИБ подполковник Т.Хурматов, Шеробод тумани ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник М.Қўнғиротовларнинг жиноятларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти “талаб даражасида эмас” деб топилсин.

#### 4. Термиз шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлими бошлиқларига:

асосий эътиборни профилактик-огоҳлантириш ишларини кучайтиришга, ҳисобда турувчи айниқса, муқаддам судланган шахслар билан олиб борилаётган профилактик ишларни тубдан яхшилашга қаратиш, оила-турмуш ва бошқа муносабатлар доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олиш ишларига қишлоқ фуқаролар йиғинлари, “Камолот” ЁИХ, жамоат бирлашмалари, халқ таълими, хотин-қизлар кўмиталари, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ҳокимликлар қошидаги комиссияларни жалб этиб, ҳамкорликда кенг камровли тадбирларни ўтказиш;

вояга етмаганлар қаровсизлигини ҳамда улар ўртасида содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида олиб борилаётган профилактик-огоҳлантириш ишларни кучайтириш, бу борада маҳаллий ва оммавий ахборот воситаларида кўпроқ чиқишлар қилиш;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ҳамда иш билан бандлигини таъминлаш юзасидан вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари олдида қуйилган вазифалар ижросини таъминлаш;

вилоят ҳудудида оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган қастдан баданга оғир, ўртача оғир ва енгил шикаст етказиш ҳамда безорилик каби жиноятларнинг содир этилишини олдини олиш, ушбу турдаги жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларни, нотинч оилалар ва тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаб ҳисобга олиш, ўқиш ва ишга жойлаштириш, спиртли ичимликларга ружу қўйган ва гиёҳвандликка чалинган шахсларни мажбурий даволанишга юбориш борасида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;

ҳозирги кунда вилоят ҳудудида одам ўлими билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисалари айрим туманларда ошганлигини эътиборга олиб, профилактика инспекторлари ҳам йўл қодаларини бузган фуқароларга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириш чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (О.Соатов) зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



А.Артиков